2003 YIL 23 OKTYABR, PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№131 (6.656). Sotuvda erkin narxda

# ЕР БИЗНИ БОҚАЯПТИ, БИЗ-ЧИ...

**МЕЛИОРАЦИЯ**

***Маълумки, чўл шароитида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда тупроқнинг қайта шўрланишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ерларда гидрокимёвий жараёнлар билан боғликдир.***

Бу биринчи омил бўлса, иккинчи омил сизот сувларнинг буғланиши натижасида шўрланиш жараёнининг тезлашишидир. Учинчи омил ҳам бор: бу очиқ ва ёпиқ зовурларнинг лойиҳа қувватида кўрсатилган қувват билан ишлашини таъминлаб туришдир. Бироқ кейинги йилларда иккала турдаги зовурларнинг фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу эса ер майдонларида сизот сувларининг кўтарилиб кетишига, шўрланиш жараёнининг аста-секинлик билан бўлса-да кучайиб боришига олиб келмоқда.

Дўстлик туманида олиб борилган кузатишларга кўра, шўрланган ва шўрланиш бошланган майдонларнинг аксарият қисмидаги ёпиқ ва очиқ зовурларнинг узоқ йиллардан буён тозаланмай келинаётганлиги бош омил эканлигини билиш қийин эмас. Туман ҳудудидаги очиқ ва ёпиқ зовурлар жами 544,4 км.ни ташкил этиб, шундан 499,5 км.и очиқ ва 44,9 км.и ёпиқ зовурлар сирасига киради. Ҳозирги пайтда 499,5 км очиқ зовурнинг 267,1 км.ининг иш фаолияти ўртача 232,4 км.ини лойқа ва балчиқдан тозалаш талаб этилади. Бунга яна шуни ҳам қўшимча қилиш кераки, очиқ зовурларнинг бошланиш қисмида тозалаш ишлари бошланса, уни энг охиригача давом эттириш талаб этилади. Йўқса тозаланган қисмидаги сув дамланиб қолиши мумкин. Бу ёпиқ дренажларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, сизот сувларнинг кўтарилишига олиб келади. Чунки, дренаж қувурларнинг очиқ зовурга туташган қисми сувнинг остида қолади. Бу очиқ зовур қирғоқларининг ўпирилишига олиб келиши ҳам мумкин. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, туби балчиқлашиб қолаётган зовурларни кечиктирмасдан тозалаш тақозо этилади. Қирғоқлари тўлиқ емирилган очиқ зовурларни қайта тозалаш ва уларнинг фаолиятини лойиҳа қувватига етказишга кетадиган маблағни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ҳозир таъмирланса қирғоқни ўз ўрнида емирилишдан сақлаб қолиш мумкин. Бундан ташқари маблағ ҳам тежалади. Вилоят микёсидаги мутасадди бўлган кишилар бу муаммога чуқур ёндашсалар давлат маблағи беҳудага сарфланмайди...

Дарҳақиқат, келажагимиз ер билан боғлиқ экан, унга объектив қарашимиз керак. Ёпиқ-ётиқ дренажларнинг ҳам аҳволи қониқарли эмас. Туман бўйича мавжуд 1847,7 км узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренажларнинг 876,1 км.и ишламайди. Ҳар бир ёпиқ дренаж тармоғи 6 гектар ер майдонидаги сизот сувларни чиқариб ташлашини назарда тутсак, қарийб 5,3 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораяпти. Бу ер майдонларида иккиламчи шўрланиш жараёнлари бошланганлиги кузатилмоқда. Айни пайтда бундай иккиламчи шўрланиш жараёнлари бошланаётган майдонлар ортиб бораяпти. Бундан кейин иккиламчи шўрланиш бошланишини олдини олиш борасида ҳам иш олиб бориш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида яна қўшимча харажатларни келтириб чиқаради.

Тупроқда туз йиғилиши ва қайта тақсимланишининг асосий манбаи сизот сув эканлигини биламиз. Актив зонадаги тупроқнинг туз таркибини бир меъёрда ушлаб турилиши учун сизот сувларнинг чуқурда бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун дренаж қувурларини берчлашиб кетган лойқадан тозалаш талаб этилади. Ҳозирда ишламай турган 876,1 км. ёпиқ-ётиқ дренажларни лойиҳалаш ва ювиб тозалаш харажатлари очиқ зовурларникидан қолишмайди. Уларни ҳар беш йилда капитал тозалаш кўзда тутилган бўлса-да, бу ишлар узоқ йиллардан бери бажарилмасдан келинди. Ана шу каби салбий ҳолатлар йиғилиб, ҳозирги кунда улкан бир муаммони – мелиорация муаммосини келтириб чиқаради.

Кейинги йилларда ёпиқ ва очиқ дренажларнинг яхши ишламаслиги туфайли сизот сувлар минераллашувининг пасайиши юз бериб, унинг таркибида сульфатлар, кальций ва магний моддалари миқдорининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу моддалар тупроқдаги бошқа элементлар билан ўзаро боғланиб, унумдор қатламда тўлиқ эрозия жараёнининг бошланиб кетишига сабаб бўлади. Аҳвол шу тахлитда давом этаверса, узоғи билан ўн беш-йигирма йиллар ичида унумдор қатлам хеч қандай ўсимлик ўсмайдиган ўлик ерларга айланиб қолиши мумкин. Бундай ерларни ўз ҳолига қайтариш учун эса, бир неча йиллар, миллион-миллион сўм маблағлар керак бўлади. Бундан ташқари, Жиззах вилоятининг Мирзачўл ҳудуди ер майдонларидаги ёпиқ дренажларнинг бирор километри ювилмай қолиб кетаётганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Мелиорация муаммоларини бартараф этиш тўғрисида гап борар экан, лойиҳалаш ва уни амалга ошириб, объектнинг лойиҳада кўрсатилган қувватда ишлашини таъминлашга эришиш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиш керак. Лойиҳани амалга оширган пудратчи буюртмачи билан келишган ҳолда объектни фойдаланишга топширади. Комиссия аъзолари қабул қилиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекишади, шу билан иш тугайди. Бироқ, лойиҳада кўрсатилган муаллиф назорати амалга ошмай қолаверади. Ана шу кичик камчилик туфайли ёпиқ дренажлар қурилиши пайтида кўплаб тармоқларда лойиҳада кўрсатилган қувурлар сиртига фильтрли қопламалар тўшалмай қолган. Ҳозирги пайтда ўша кичкинагина камчилик жабрини деҳқонлар тортишаяпти. Чунки, фильтрли қопламалар лойиҳада кўрсатилгандай тўшалмаган ва қувурга лойқа ўтиб, гипсланиб қолаяпти. Бу билан дренажларнинг фойдали иш коэффиценти пасайиб кетмоқда. Дренажларни ювишда ҳам муаллиф назорати инобатга олинмаган. Натижада ишлар пудратчи ва буюртмачи иштирокида ярим-ёрти бажарилган ҳолда қабул қилинган. Қувурлар номигагина ювилиб, ундан кейин бажарилиши мажбурий бўлган тадбирлар бажарилмай қолиб кетган. Ваҳоланки, айрим дренаж ётиқларининг қувурлари ўн йилдан буён ювилмаган. Бу ерда қувурларни икки, ҳатто уч мартадан ювиш талаб этилиши мумкин. Бир марта қўл учида ювилиши натижасида эса юмшатилган лойқа яна ўрнига ўтириб қолаяпти. Бундай объектлар шу ҳолатда беш йил давомида ётаверади.



Мелиорация муаммолари очиқ ва ёпиқ зовурлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Аввал зовурларни тозалаш, кейин эса ёпиқ дренажларга қўл уриш керак. Акс ҳолда бажарилган ишлар самарасизлигича қолаверади.

Амалиёт дренажларни ҳар беш йилда, очиқ зовурларни эса ҳар уч йилда тозалаб, ювиб туришни тақозо этади. Афсуски, кейинги қатор йилларда бунга аҳамият берилмаяпти.

(Давоми 2-бетда)

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

● Бухоро вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигига дахлдор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ҳокимлари иштирокида пахта йиғим-теримининг боришига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

● Пойтахтимиздаги 23-меҳрибонлик уйида ўтган илмий-амалий семинар тарбияланувчиларга оила муҳитига яқин шароит яратиш масаласига бағишланди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида Япониянинг беғараз ёрдам дастури асосида маданият соҳасидаги кичик лойиҳалар грант-шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистонлик шоликорлар мамлакатда биринчи бўлиб йиллик шартнома-режани бажарди. Шоли етиштиришда катта тажриба тўплаган қорақалпоғистонлик миришкорлар қабул пунктларига 69 минг 250 тонна «қирмизи дон» етказиб берди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг шу йил тўққиз ойи давомидаги фаолияти якунлари ва божхона органлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида чехиялик карикатурачи рассом Мирослав Бартакнинг шахсий кўргазмаси очилди.

● Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Цемент саноати ва бозор» мавзуидаги учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси бошланди.

● Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё мажмуидан бир неча километр узоқликда янги объект - юқори босимли компрессор станцияси (ЮБКС) барпо этилди.



**Яхши мутахассис, ўз ишининг билимдонига ҳар бир соҳада талаб катта. Уларнинг фаолияти туфайли жамоанинг ишлари доимо олдинга силжийверади. Қанот Жарманов ҳам ана шундай мутахассислардан. У "Ғаллабанк"нинг Беруний туман филиалида фермерлар ва тадбиркорларга хизмат кўрсатмоқда.**

**СУРАТДА: Қанот Жарманов.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## КУЗ КУТИБ ТУРМАЙДИ

***НАВОИЙ. (ЎзА мухбири Ёрқул УМАР). Хатирчи туманидаги «Боғчакалон» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йиғилиш пахта теримини жадаллаштириш ва кузги дон экиш ишларини якунлаш масалаларига бағишланди. Унда туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари ва агросаноат мажмуи мутахассислари иштирок этди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бу йил 39 минг 400 гектар майдонда ғўза парваришлаган вилоят деҳқонлари 110 минг тонналик хирмон бунёд этиш мақсадида меҳнат қилмоқда. Далаларда мўлжалдаги ҳосил тўпланган. Шу кунга қадар Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий тумани пахтакорлари йиллик шартнома-режанинг 60-70 фоизи миқдорида пахта териб олди. Хатирчилик деҳқонлар ҳам кунлик суръатда улардан қолишмаяпти.

Пахтани ёғин-сочинга қолдирмай териб олиш, кузги дон экишни ноябрь ойи бошида тугатиш бугуннинг долзарб вазифаларидан саналади. Бироқ, таъкидланишича, Нурота, Хатирчи ва Навоий тумани ғаллакорлари дон экиш ва униб чиққан майсаларни озиқлантиришда сусткашликка йўл қўймоқда.

Кузнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш, йиғим-терим суръатини янада ошириш ва дон экишни белгиланган вақтда ниҳоясига етказиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

## АҚРАБ – САРҲИСОБ ОЙИ

**ИҚЛИМ**

***Хазонрезги. Дов-дарахтларнинг олтин тусга кирган барглари секин-аста тўкиляпти. Демак, кузни якунловчи ақраб ойи ҳам бошланди... Халқимизда ақраб – сарҳисоб ойи, дейилади.***

Бу ойда "Омборига қарасин, топганлари қишга ярасин", деб бежиз айтишмаган. Бу нақл хотиридан кўтарилганлар йиғилган ҳосил-у қишлик озуқани бирров кўздан кечиргани маъқул.

Ақраб арабча сўздан олинган бўлиб, чаён дегани. Ўн иккита бурж юлдуз туркумининг саккизинчиси. Осмоннинг жанубий ярим шарида Илон-элтувчи, Мезон, Бўри, Бурчак чизиғи туркумлари ораларида жойлашган.

-Ақраб ойида шудгорланган ерларга яхоб суви қуйилади. Бу ер учун ҳам, ўсимликлар учун ҳам кони фойда. Яхобсиз тупроқ таркибини яхшилашга қаратилган агротехник тадбирлар кутилган самарани бермайди, - дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Маҳдий Раззоқов. – Айни кунларда далаларга қуйилган сув ўсимлик илдизига етиб боради. Натижада зараркунандa ҳашаротлар қирилади. Дарахтлар танасидаги оби-ҳаёт ҳаракати секинлашади. Ўсимликлардаги крахмал шакарга айланиб, қишки уйқуга тайёрланади. Шунингдек, кузги кўчат ўтқазиш ишлари ҳам мазкур ойда тугалланади.

Манбаларда келтирилишича, ақраб табиати икки хил бўлади. Баъзан ҳаво илиқ, қуёшли келиб кузнинг ҳукмида бўлса, баъзида барвақт совуқ тушади. Одатда, ушбу ойда баданни жунжиктирувчи совуқ шамол эсиб, ерга қиров тушади. Ёмғирли кунлар бошланади. Илк қор учқунлари ҳам ақраб ойида кузатилади. Кун қисқариб, тун узаяди.

Тиббиёт фанлари номзоди Орифхўжа Азизхўжаевнинг айтишича, ақраб ойида иқлим ўзгариб, совуқ тушиши натижасида асаб касалликлари, юрак хасталиклари қўзғалади. Бод касаллигига мойиллик ортади. Шу боис тўйимли ва витаминларга бой озиқ-овқатлар истеъмол қилиниши тавсия этилади.

Эътибор берган бўлсангиз, қушларнинг шовқиниям анча жонланиб қолган. Чунки шаҳар ва қишлоқ жойлардаги дарахтзорларга гўнгқарғалар туйнагани кела бошлашди-да. Ҳадемай уларнинг сафига кулранг ва қора қарғалар келиб қўшилади. Қалдирғоч, кўкқарға, ҳашаротхўр қушлар эса аллақачон ўлкамизни тарк этишган.

Бойқушлар айни чоғда қишлов жойларига қайтаётир. Бу қушлар кемирувчилар кушандаси эканлигини кўпчилик билмаса керак. Улар кундузи шохлар орасида ухлаб, кечаси фаол ҳаракатда бўлади. Ҳар битта бойқуш бир кечада 7 тадан 12 тагача сичқон тутиб, майдонларни тозалайди.

Мол-қўйларининг дуркунлашганидан қувонган чорвадорлар ҳам қишки мавсумга тайёргарлик ишларини якунлаяптилар. Хуллас, барча-барча ақрабнинг илиқ кунларидан оқилона фойдаланиб, тўкилган дон-дуну уюлган хирмонни саришталагани маъқул. Бир ой кўз юмгунча ўтиб кетади. Қолаверса, ақрабнинг табиати инжиқ... Буни унутмаган ютади.

**Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ДЕҲҚОН МАНФААТИ УСТУВОР

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

***Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш борасида юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримовнинг шу йил 24 мартда «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берди.***

Унда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш билан бирга уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, соҳада шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида қилиниши зарур бўлган жиҳатлар алоҳида қайд этилган.

(Давоми 3-бетда)

**СОҒИНЧ**

## ДИЛДА ДАРДИНГ БЎЛМАСА...

***Урганч шаҳридаги Қирғизёп бўйида одамларнинг, айниқса санъат ихлосмандларининг қадами узилмайдиган зиёратгоҳ хонадон бор. У ерда ҳатто қўшни республикалардан келган санъат мухлисларини учратиш мумкин. Бу хонадонда марҳум санъаткор Комилжон Отаниёзов яшаб ўтган.***

Мана, 28 йилдирки, санъаткорнинг умр йўлдоши Имсиной ая Полвонова меҳмонларни ҳар гал очиқ чеҳра билан кутиб олади, иззат-ҳурмат кўрсатади. Шу туфайли ўзи ҳам ардоқда.

-Биз 1939 йилда оила қурдик. Қайнотам Отаниёз охун Хоразмнинг энг обрўли уламоларидан, қайнонам Анбаржон ҳам илму маърифатли аёл эдилар. Комилжон акангиз худди ота-оналаридек каттаю кичикка бирдек меҳрибон, табиатан манманликни ёмон кўрувчи, нозик кўнгилли инсон эдилар раҳматлик, - дея Имсиной ая хотираларини ёд олади.

Табаррук 80 ёшни қаршилаган ая ва Комилжон ака ҳаётнинг жуда аччиқ қисматларини бошдан кечиришди.

(Давоми 4-бетда)

## ЙЎЛЛАР ҒИЖДУВОНИЙГА ЭЛТАДИ

**ФАХР**

***ЮНЕСКОнинг XXXI сессиясида Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик тўйи халқаро муҳим сана сифатида эътироф этилди.***

Аввало, аллома ўз номини боғлаган кўҳна шаҳар тарихи ҳақида гапирадиган бўлсак, барча қадимий шаҳарларда учрагани каби Ғиждувоннинг юзага келиши хусусида ҳам турли қарашлар, фаразлар бор. Машҳур тарихчи Наршахий "Бухоро тарихи" китобида уни "Ғиждувон" сифатида талқин этади.

Ривоят қилишларича, бу шаҳри азим номининг келиб чиқиши чеки йўқ қамишзорлар билан боғлиқ экан. Зарафшон дарёси бўйидаги ерлар қадимда қамишзорлардан иборат эди, дея тахмин қилинади. Сўғд тилида "гэж" сўзи қамишни англатади. "Гэждовон", яъни "қамишли довон" ибораси бора-бора Ғиждувонга айланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

(Давоми 4-бетда)

**КЎНГИЛ**

## АЁЛИНГНИ ЭЪЗОЗЛА, ЭЙ МАРД!

***Қишлоққа боргандим. Онамнинг ёнида қўшни келинчак йиғлаб ўтирарди.***

-Бечорани эри ташлаб кетибди. Гулдек келин-а, уч норасиданинг уволи уради ҳали у эркакни, - онам кейинроқ куйиниб сўзларкан, кўз ўнгимда бояги "гулдек келин"нинг қиёфаси гавдаланади.

Ранги униққан рўмол тўзғиган сочларни яширолмаган, эгнидаги гуллари хира тортган кўйлагининг этаги нимагадир илиниб йиртилган шекилли, шунчаки ип ўтказиб тикиб қўйилган, шиппак илган оёғи анчадан буён сув кўрмагандек. Аёлнинг қўлларига қарайман. Нозикликдан йироқ, каварган қўллар. Офтоб қорайтирган юзида эса беаёв ажин из солиб улгурган. Бу ажинлар табиат инъом этган қалам қошнинг, чиройли кўзларнинг тароватини ҳам хира торттиргандек. Эҳтимол, умидсизлик, яшашга бўлган иштиёқнинг сўнгани аёлни жозибадан йироқ кўрсатаётгандир.

(Давоми 2-бетда)

## ҚОРАМУНЧОҚ

**ТААССУФ**

***Ичкарида эри билан роса адибади айтишган Сорахон супургини олиб ҳовлига чиқди. "Эр бўлмай ўл... Топасан-да, мен қатган топай?.." дея девор тагидан тўкилган шўр тупроқ гардларини зарда билан супура кетди.***

Эр-хотин жанжалига саҳармардонда келган қуданинг "Невара тўйини бошлаяпмиз. Кенжамизнинг никоҳ тўйига қўшиб ўтказиб юбормоқчимиз", деган гапи сабаб бўлди. Яхшиямки, бир ҳафта олдин айтгани келибди. Йиғиниб-терилиб олинглар, деганида бу. Бош невара новвос етаклаб боришлари керак. Кудаям пишиқ, шу новвос гўшти билан ўғлининг никоҳ тўйини ҳам ўтказиб олмоқчи.

Қўлда пул бўлса-ю, битта новвос олиб бориш нима бўпти. Йўқ-да, зўрға қозон қайнатишяпти. Эр ишламай қўйган. Уйда ётгани ётган. Автобаза ишлаб турганида топиш-тутиши яхши эди. Беш-олти йилдирки, автобазалари берк, ишламай ётибди...

Хотин боши билан нима қилсин? Бодрингга ҳам қизил шира тушиб, яхши бўлмади. Қирқ минг сўмликча сотишди, холос. Бўйига етиб қолган қизига иккита бахмал кўрпалик олишга аранг етди. Бошқа жойдан даромадлари йўқ. Молхонада қисир ғунажину икки бош қўйлари бор, холос. Барини сотса ҳам невара тўйи камига урвоқ ҳам бўлмайди...

(Давоми 2-бетда)

## ҲИКМАТ

**Хушомадгўйлардан қочинг - улар яхши кийиниб олган ўғрилардир.**

Уильям ПЕНН

**КЕЛГУСИ СОНДА:** "НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДУР" | КУРСИСИ ҚУРСИН | ЖАРОҲАТ

